

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил февраль ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, ўз биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи М.Маматбаева, судья ёрдамчиси С.Мирзаназарованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдумажидов, гумон қилинувчи Р.Акрамова ва унинг ҳимоячи адвокат Ш.Мирзаев, жабрланувчи М.Собированинг иштирокида, Акрамова Раъно Ахмаджановнага оид 1-1601-2505/165-сонли жиноят иши кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Акрамова Раъно Ахмаджановна (Akramova Ra'no Ahamdjanovna) 20.08.1968 йилда Наманган вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, нафақада, оилали, 1 нафар фарзанди бор, Наманган шаҳар, Маданий Мориф МФЙ, Уйчи кўчаси, 4-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчига оид жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Гумон қилинувчи Р.Акрамова жабрланувчи 2024 йил 30 декабрь куни соат 08:00да Наманган шаҳар, Янги Қурилиш МФЙ худудида жойлашган Наманган шаҳар туғруқ комплекси биносининг биринчи қаватидаги стол устида турган М.Собировага тегишли нархи 500.000 сўм бўлган бир дона "LG-51" русумли телефон аппаратини яширин равишда ўғирлаганликда дастлабки тергов органи томонидан гумонланувчи тариқасида ишга жалб қилинган.

Жабрланувчи М.Собирова судда, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, Р.Акрамова айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан пушаймон бўлиб, узр сўраганини, ихтиёрий ярашиб олишганини, моддий зарарларни тўлиқ қоплаганини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Акрамова Раъно Ахмаджановна суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишини оқибатларини англаган, жабрланувчи М.Собировадан кечирим сўраганлиги, у билан ўзаро ярашиб олгани, жабрланувчини унга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида даъвоси йўқлиги, ярашув ихтиёрий бўлганлиги билдириб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган



шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги;

ЖПК 84-моддасининг 4-қисмида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Суд, юқорида қайд этилган Қонун талабларидан келиб чиқиб, гумон қилинувчи Р.Акрамованинг айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини тўлиқ англаб етганлигини, илгари судланмаганлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф қилганлигини, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини, у билан бирон бир тазйиқсиз ихтиёрий ярашиб олганлигини, шунингдек гумон қилинувчи томонидан содир этилган Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддаси таъсир доирасига тушишини инобатга олиб, Р.Акрамовага оид жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни;

- жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли жабрланувчининг гумон қилинувчига нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим деб топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган Акрамова Раъно Ахмаджановнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмини қўллаб, унга оид жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланиб, жабрланувчи М.Собированинг гумон қилинувчи Р.Акрамовага нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан, гумон қилинувчи ва жабрланувчи эса ажрим нусхасини олган кундан эътиборан, ўн кун муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий шикоят келтиришга ёки хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

М.Маматбаева

